“ТАСДИҚЛАНГАН”
“YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI” AJ
ягона акциядорининг
2025 йил “05” 09 даги
3/2025 сонли қарори билан

“YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.Ушбу Низом акциядорлик жамиятининг Ички назорат тўғрисидаги ушбу Низоми (бундан буён матнда – "Низом") Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, бошқа меъёрий-норматив ҳужжатлар, "YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI" акциядорлик жамиятининг (бундан кейин матнда - жамият) Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги № 9-сонли баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом ички назорат тизимининг мақсади ва вазифаларини, унинг ишлаш тамойилларини ҳамда Жамиятнинг ички назорат учун жавобгар органлари ва шахсларини белгилайди.

2. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТАВСИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ

3. Ички назорат – бу Жамиятнинг фаолиятига ўрнатилган ва рискларни бошқариш жараёнлари самарадорлигини оширшга,Жамият мақсадларига эришишга нисбатан қуйидаги соҳаларда асосланган ва юқори натижаларни қўлга киритиш мақсадида янада мақбул тарзда назорат қилиш ва корпоратив бошқаришга қаратилган узлуксиз амал қилувчи жараён:

- ишлаш, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш самарадорлиги даражасини қўшган ҳолда фаолиятининг самарадорлиги ва унумдорлиги;

- молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва шаффофлигини таъминлаш;

- қабул қилинадиган, фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ва ҳуқуқ нормаларига мослиги.

4. Ички назорат тизими – бу Жамиятда ташкил этилган, ички ҳужжатлар билан тартибга солинувчи ташкилий тузилма ва Кузатув кенгаши, Бош директор ҳамда ташкилий тузилма рахбарлари ва функцияси бўйича бошқа ходимлар томонидан амалга ошириладиган, назорат чоралари, ички назорат процедуралари ва усуллари мажмуидир.

5. Ички назорат процедуралари – бу жамият жамият Кузатув кенгаши, Ижроия органи - Бош директори томонидан ҳамда Жамиятнинг ички назоратни амалга оширишга ваколати берилган бўлинмалари (бундан буён - жамиятбўлинмалари) томонидан амалга ошириладиган ва молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонунчиликка ва Жамият ички ҳужжатларига қонун бузилишларини аниқлашга, Жамият томонидан қўйилган мақсадларга эришиш самарадорлигини баҳолаш ҳамда ички назорат субъектларининг ички назорат процедураларини амалга ошириш жараёнида бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлигига қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади жамиятнинг ягона акциядорининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

7. Ички назорат тезкор режимда таъминлаш учун мўлжалланган:

активларининг бутлиги, жамият ресурсларидан тежамкор ва самарали фойдаланиш;

жамиятнинг амалдаги қонунчилиги ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

ўрта ва узоқ муддатли даврда жамиятни ривожлантириш стратегиясини, жамиятнинг бизнес режаларини амалга ошириш;

жамиятнинг бухгалтерия ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлари ва бошқарув маълумотларининг тўлиқлиги ва ишончлилиги;

рисклар жамият фаолиятида юзага келиши чоғида, уларни аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлил этиш

жамият фаолиятида рискларни режалаштириш ва бошқариш, шу жумладан рискларни ўз вақтида ва адекватли бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш;

жамиятнинг бизнес доираларда ва истеъмолчилар орасида обрў-эътибор қозониши ва уни йўқотмаслиги.

мукофотлар ва компенсацияларни тўлашнинг адекватлилиги, шаффофлиги ва объективлиги, шу жумладан унинг миқдори кузатув кенгаш аъзолари, Ижроия органи раҳбари.

3. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

8. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

узлуксиз ишлаб туриш - ички назорат тизимининг доимий ва муносиб тарзда ишлаб туриши Жамиятга меъёрлардан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва келгусида юзага келиши мумкин рискларни бартараф этади;

Ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорлиги – ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиши сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилинади;

Мажбуриятларнинг бўлиниши - жамият назорат функцияларининг такрорланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади ва бу функциялар ишчилар ўртасида тақсимланиши керак, шунда ўша шахс муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш билан боғлиқ функцияларни бирлаштирмайди, операцияларни ҳисобга олади, активларнинг бутлигини таъминлайди ва уларнинг инвентаризациясини амалга оширади;

Операцияларни белгиланган тартибда маъқуллаш ва тасдиқлаш – Жамият ваколатли шахслар томонидан уларнинг тегишли ваколатлари доирасида барча молиявий-хўжалик операцияларини тасдиқлаш тартибини белгилашни амалга оширади;

Жамиятнинг кундалик ички назоратни амалга оширувчи жамият бўлинмаларининг ташкилий холислиги ва уларнинг функционал ҳисобдорлигини бевосита жамият ижроия органи раҳбари ҳисобдорлилигини таъминлаш;

Жамиятда ишлайдиган барча ички назорат субъектларининг назорат функцияларини муносиб равишда бажариш учун жавобгарлиги;

Ички назоратни жамиятнинг барча бўлинмалари ва хизматларининг аниқ равшан ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга ошириш;

Доимий ривожлантириш ва такомиллаштириш – Жамият ички назорат тизимига, у янги масалаларни ҳал этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда мослаштирила олишга, мазкур тизимни ўзи кенгайтира ва такомиллаштира олиши учун мослашувчан шароитларини таъминлашга интилади;

Оғишлар тўғрисидаги хабарларни ўз вақтида етказиш – Жамиятда тегишли хабарларни оғишларни бартараф этиш борасида қарорлар қабул қилишга вакил этилган шахсларга етказишнинг максимал қисқа муддатлари ўрнатилиши;

Назорат ўрнатилаётган жамият фаолиятининг устивор йўналишларини белгилашда – ички назорат тизими билан қамраб олинадиган стратегик йўналишлар ажратилади, гарчи уларнинг ишлаш самарадорлигини ("харажатларни – иқтисодий самарага" нисбати) ўлчаш қийин бўлса ҳам;

4. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

9. Ички назорат тизими ўз ичига қуйидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни олади:

жамият ходимларининг ахлоқий қадриятлари ва ваколатини, этакчилик сиёсатини, раҳбарият ваколати ва масъулиятини тақсимлаш усулини, ташкилотнинг тузилишини ва ходимларнинг малакасини оширишни, шунингдек, жамият кузатув кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни ўз ичига олган назорат муҳити;

Рискларни баҳолаш – ўзида турли даражаларда ўзаро алоқадор бўлган муайян вазифаларга эришиш чоғида тегишли рискларни идентификациялаш ва таҳлил этишни ифода этади;

бошқарув қарорлари амалга оширилишини таъминлашга ёрдам берадиган сиёсат ва процедураларни умумлаштирувчи назорат фаолияти, шунингдек, тасдиқлашлар, санкциялар, тасдиқлар, текширувлар ўтказиш, мавжуд фаолиятни назорат қилиш, активлар хавфсизлиги кафолати ва ваколатларни ажратиш каби турли хил тадбирларни ўз ичига олади;

Маълумотларни ўз вақтида самарали аниқлаш, уларни рўйхатга олиш ва алмашиш, шу жумладан, ички назоратнинг барча субъектларида Жамият томонидан қабул қилинган ички назорат сиёсати ва процедураларини англашни ва уларнинг ижросини таъминлашни шакллантириш мақсадида ахборотлар алмашишнинг самарали каналларини яратишни ўз ичига олувчи

ахборот таъминоти ва ахборот алмашинуви фаолияти. Жамият ахборотга рухсат этилмаган ташқи фойдаланувчилардан ҳимоя чораларини қўллайди;

мониторинг - бошқарув ва назорат функтсияларини ўз ичига олган жараён бўлиб, унда вақт ўтиши билан тизимнинг сифати баҳоланади. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига таъсир қилувчи хатолар юзага келиши эҳтимолини аниқлаш, ушбу хатоларнинг аҳамиятини аниқлаш ва ички назорат тизимининг белгиланган вазифаларни бажарилишини таъминлаш қобилиятини аниқлаш учун амалга оширилади. Жамиятда ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун жамиятнинг ягона актсиядори қарори билан жамият кузатув кенгаши таклифи асосида мустақил профессионал маслаҳатчи ташкилот жалб қилиниши мумкин.

5. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН ЖАВОБГАР ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР

10. Ички назорат кузатув кенгаши, ижроия органи - Бош директор, ички аудит хизмати, шунингдек жамиятнинг бошқа ходимлари томонидан барча даражаларда амалга оширилади ва ҳар бир киши ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

11. Жамиятда фаолият юритаётган бўлинмаларнинг функтсиялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, компенсатсияларни ҳисоблаш тартиби ва тўланадиган мукофотлар жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган.

12. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишнинг тизимли хусусиятини таъминлаш, ички назорат тартиб-таомилларини ўтказиш жамиятнинг ваколатли бўлинмалари –ички аудит хизмати томонидан жамиятнинг бошқа органлари ва бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

13. Кузатув кенгашининг функцияларига қуйидагилар киради:

Ички назорат тизимининг муайян операциялари ва стратегияларининг ривожланиш йўналишларини аниқлаш ва маъқуллаш;

жамият бош директорининг ички ва ташқи аудитларнинг мунтазам ҳисоботлари, бошқа манбалардан олинган маълумотлар ва ички назоратнинг барча жиҳатлари бўйича ўз кузатувлари асосида жамият ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар йили эшитиш, шу жумладан: молиявий назорат, операцион назорат, қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш, ички сиёсат ва жамият тартиб-таомилларини назорат қилиш;

Ички назорат процедураларини доимий такомиллаштира бориш.

14. Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги, жамиятнинг ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги устидан назоратни

ташкил этиш масъулияти жамият ижроия органи раҳбари зиммасига юклатилади.

15. Жамиятнинг жамият ички назорати соҳасидаги фаолияти учун жавобгарлик жамият ижроия органи раҳбари зиммасига юкланади. Жамият ижроия органи раҳбари ички назорат тизимининг тартиб-таомилларини жорий этиб, унинг самарали ишлашини таъминлайди, жамият кузатув кенгашини жамиятнинг барча рисклари, ички назорат тизимининг муҳим камчиликлари, шунингдек уларни бартараф этиш чора-тадбирлари режалари ва натижалари ҳақида ўз вақтида хабардор қилади.

16. Жамиятнинг ҳар қандай даражасидаги бўлинмаларнинг ходимлари (шу жумладан, раҳбарлари) ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш стратегияси ва тартиб-таомилларини батафсил ишлаб чиқишда бевосита иштирок этадилар. Уларнинг вазифалари ностандарт вазиятлар ва муаммолар юзага келиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади. Муайян битим бўйича муҳим масалалар ёки рисклар тўғрисида ходимлар жамиятнинг юқори раҳбариятига хабар беришади.

17. Жамият ва унинг алоҳида бўлинмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жавобгарлик доимий фаолият юритувчи ички назорат органи-жамиятнинг ички аудит хизматига юкланади.

18. Ички назорат тартиб - таомиллари ижросини мунтазам назорат қилиш, яъни жамият томонидан амалга оширилаётган молиявий-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва жамият низомига, унинг алоҳида бўлинмаларига мувофиқлиги, шунингдек, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун жавобгарлик жамиятнинг ички аудит хизмати зиммасига юклатилди.

19. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамият кузатув кенгашига ички аудит натижалари, жамиятнинг ички назорат тизими тўғрисида ҳисобот беради ва бўйсунади.

20. Қуйидаги шахслар Жамиятнинг ички аудит хизмати лавозимларини эгаллашга ҳақли эмаслар:

- иқтисодий соҳага доир ёки тартибга қарши ёпилмаган жиноятларга эга шахслар;

- жамият таъсисчилари, раҳбари ёки жамиятга рақобатчи бўлган бошқа юридик шахс ходимлари.

21. Ички назорат тизимининг тўғри ишлаши ҳам жамият ходимларининг профессионаллигига боғлиқ. Жамият ишга танлаш, ишга олиш, ўқитиш, кадрлар тайёрлаш ва ходимларни рағбатлантириш (кўтарилиш) тизимини юқори малакали ва юқори ахлоқий меъёрларга мувофиқлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

6. ИЧКИ НАЗОРАТ ПРОЦЕДУРАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

22. Жамият ички назорат процедуралари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Жамиятни бошқаришнинг турли даражаларида ўзаро алоқадор ва зид келмайдиган мақсадлар ва вазифаларни аниқлаш;

Жамиятнингфаолияти мақсадларига эришишга халақит бериши мумкин бўлган потенциал ва мавжуд тезкор, молиявий, стратегик ва бошқа рискларни аниқлаш ва таҳлил этиш;

Жамиятнинг ички назоратнинг муҳим таркибий қисмларини баҳолаш;

Жамият тижорат жараёнларининг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш;

жамиятнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг ишлаш мезонларини аниқлаш ва самарадорлигини баҳолаш;

молиявий ва бошқа ахборотни олдинги даврларда ёки жамият фаолиятининг кутилаётган натижалари билан таққосланадиган маълумотларга нисбатан кўриб чиқиш;

жамиятнинг ҳодислари, операциялари ва транзакцияларини ҳисобга олишнинг адекват усулларидан фойдаланиш;

жамиятнинг активлари бутлигини текшириш;

ички назорат процедураларини белгиланган тартибда ҳужжатлаштириш;

ички назорат тизимининг сифатини мунтазам баҳолаб бориш;

Жамиятнинг барча ходимларига уларнинг ички назорат соҳасидаги мажбуриятларини етказиш;

жамият ходимлари ўртасида асосий мажбуриятларни тақсимлаш;

операцияларни фақат тегишли ваколатларга эга бўлган шахслар томонидан тасдиқланиши ва амалга оширилиши;

23. Ички назорат процедураларини ўтказиш чоғида назорат қилиш, кузатиш, тасдиқлаш, қайтадан санаш усуллари ҳамда ички назорат процедураларини амалга ошириш учун зарур бошқа усуллар қўлланади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Ушбу Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар жамиятнинг ягона акциядори қарори билан тасдиқланади.

25. Ушбу Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, ички аудиторининг, жамият Ижроия органи раҳбарининг таклифига биноан киритилади.

26. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ва меъёрий ҳужжатларининг ўзгариши натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари улар билан зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар Жамият, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига таяниб иш кўради.